


## ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

2017 йилнинг январь–июнида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот(хизматлар)ларининг умумий ҳажми 24 052,7 млрд.сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 105,8 фоизни, шу жумладан деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар – 23 920,8 млрд.сўмни (105,8 фоиз), ўрмон хўжалигида – 42,2 млрд.сўмни (101,3 фоиз), балиқчилик хўжалигида – 89,7 млрд.сўмни (110,1 фоиз) ташкил қилди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот(хизматлар)лари ҳажмининг ўсиши асосан деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳада кўрсатилган хизматлар ҳажмининг сезиларли даражада ортиши билан боғлиқдир.


Хусусан юқори ўсиш суръатлари Қорақалпоғистон Республикаси (109,4 фоиз), Самарқанд (106,6 фоиз), Фарғона (106,3 фоиз), Сурхондарё (106,3 фоиз), Навоий (106,2 фоиз) ва Қашқадарё (106,1 фоиз) вилоятларида кузатилди.

### Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажми




Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таркибий тузилишида энг юқори улуш деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келган бўлса (умумий ҳажмга нисбатан 75,9 фоиз), энг ками эса қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар (2,0 фоиз) ҳиссасига тўғри келмоқда.

### Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши




### Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг хўжалик тоифалари бўйича ҳудудлар кесимида тақсимланиши



**Деҳқончилик.** 2017 йилнинг январь–июнида ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 14 206,1 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 105,5 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 60,3 фозни ташкил қилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра барча тоифадаги хўжаликларда жорий йил ҳосили учун экилган қишлоқ хўжалиги экинларининг умумий майдони 3693,6 минг гектарни ташкил этиб, 2016 йил ҳосили учун экилганига нисбатан 7,0 минг гектарга кўпдир.

## Худудлар кесимида қишлоқ хўжалиги экинлари экилган умумий майдон (минг гектар)



Дон экинлари экилган майдон 1676,4 минг гектарни (2016 йилга нисбатан 0,1 минг гектарга кам), техник экинлар 1286,1 минг гектарни (45,4 минг гектарга кам), картошка 87,4 минг гектарни (3,3 минг гектарга кўп), сабзавотлар 230,5 минг гектарни (25,1 минг гектарга кўп), полиз 60,6 минг гектарни (0,5 минг гектарга кам), озуқа экинлари 352,0 минг гектарни (24,4 минг гектарга кўп) ташкил қилди.

### Асосий турдаги қишлоқ хўжалиги экинлари экилган майдон ва уларнинг таркибий тузилиши

	минг гектар	2016 йилнинг 1 июлига, %да	таркиби, %
<b>Экилган майдон</b>	<b>3 693,6</b>	<b>100,2</b>	<b>100,0</b>
Дон экинлари	1 676,4	100,0	45,4
шу жумладан:			
бошоқли дон	1 539,4	99,4	41,7
улардан буғдой	1 428,5	98,9	38,7
шоли	65,1	104,5	1,8
маккажўхори дон учун	43,0	110,0	1,2
бошқалар	28,9	109,7	0,8

*давоми*

	минг гектар	2016 йилнинг 1 июлига, %да	таркиби, %
--	-------------	----------------------------	------------

	<i>минг гектар</i>	<i>2016 йилнинг 1 июлига, %да</i>	<i>таркиби, %</i>
Техник экинлар	1 286,1	96,6	34,8
шу жумладан, ғўза	1 221,6	96,6	33,1
Картошка	87,4	104,0	2,4
Сабзаотлар	230,5	112,2	6,3
Полиз	60,6	99,2	1,6
Озуқа экинлари	352,0	107,5	9,5

Хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги қишлоқ хўжалиги экинлари экилган майдон

	<i>Фермер хўжаликлари</i>		<i>Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари</i>		<i>Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташиқлотлар</i>	
	<i>минг гектар</i>	<i>ўсиш суръати, %да</i>	<i>минг гектар</i>	<i>ўсиш суръати, %да</i>	<i>минг гектар</i>	<i>ўсиш суръати, %да</i>
Экилган майдон–жами	3 127,5	100,2	480,7	100,4	85,4	99,6
Дон экинлари	1 438,8	100,5	202,7	96,5	35,0	98,8
Техник экинлар	1 268,8	96,7	5,7	95,3	11,6	85,8
Картошка	18,2	102,1	68,4	104,5	0,8	107,3
Сабзаотлар	94,1	125,7	133,3	104,8	3,1	91,0
Полиз	31,8	93,2	26,9	103,9	1,9	178,2
Озуқа экинлари	275,4	109,3	43,7	98,8	32,9	104,6

Бундан ташқари жорий йилнинг 1 июль ҳолатига боғларнинг умумий майдони 283,4 минг гектарни (2016 йилга нисбатан 8,8 минг гектарга кўп), тоқзорлар умумий майдони эса 133,0 минг гектарни (4,1 минг гектарга кўп) ташкил қилди.

Хўжалик тоифалари бўйича мевалар–резаворлар  
ва токзорларнинг майдони

	Фермер хўжаликлари		Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	минг гектар	ўсиш суръати, %да	минг гектар	ўсиш суръати, %да	минг гектар	ўсиш суръати, %да
Боғлар	175,3	102,7	83,8	103,7	24,3	105,0
Токзорлар	88,2	103,7	40,0	102,0	4,8	103,1

**Ҳосилни йиғиб олиш.** Ҳисобот даврида барча тоифадаги хўжаликларда 5898,4 минг тонна (100,1 фоиз) дон экинлари, шу жумладан 5 870,2 минг тонна (100,0 фоиз) бошоқли дон экинлари, шундан 5 873,4 минг тонна (100,1 фоиз) буғдой ишлаб чиқарилди.

1 455,2 минг тонна (99,8 фоиз) картошка кавлаб олинди, 3 122,3 минг тонна (109,0 фоиз) сабзавотлар, 191,2 минг тонна (108,3 фоиз) озикбоп полиз, 984,0 минг тонна (108,5 фоиз) мевалар ва резаворлар, 27,9 минг тонна (105,1 фоиз) узум етиштирилди.

Хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги  
деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	Фермер хўжаликлари		Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	минг гектар	ўсиш суръати, %да	минг гектар	ўсиш суръати, %да	минг гектар	ўсиш суръати, %да
Дон	4 909,2	100,5	927,2	97,2	62,0	109,4
Картошка	164,8	105,4	1 286,5	99,1	3,9	109,4
Сабзавотлар	501,5	108,7	2 584,8	109,1	36,0	112,8
Полиз	68,1	106,6	120,4	109,4	2,7	104,4
Мевалар ва резаворлар	327,0	108,0	646,2	108,8	10,8	105,7
Узум	6,6	106,1	21,1	104,8	0,2	107,9

Худудлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик  
маҳсулотларини ишлаб чиқариш (минг тонна)


### Дон



### Картошка



### Сабзавотлар




### Полиз



### Мевалар ва резаворлар



### Ўзум



**Чорвачилик.** Чорвачилик соҳасининг имкониятларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг изчилик билан амалга оширилиши ҳамда давлат томонидан кўрсатилаётган тизимли қўллаб-қувватлашлар натижасида қорамоллар бош сонининг ўсишига, ички истеъмол бозорларининг чорвачилик маҳсулотлари билан тўйинишига имкон яратди.

2017 йилнинг январь–июнида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 9 370,5 млрд.сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 106,2 фоизни (2016 йилнинг январь–июнида 106,8 фоизни) ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 39,7 фозни ташкил этди.

2016 йилнинг 1 июль ҳолати билан солиштирилганда, барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли қорамоллар бош сони 490,1 минг бошга (4,2 фоизга), шу жумладан сигирлар 63,7 минг бошга (1,5 фоизга), қўй ва эчкилар 522,2 минг бошга (2,6 фоизга), паррандалар 5258,4 минг бошга (8,3 фоизга) кўпайди.

#### Хўжалик тоифалари бўйича моллар ва паррандалар бош сони

	Фермер хўжаликлари		Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташиқлотлар	
	минг бош	ўсиш суръати, %да	минг бош	ўсиш суръати, %да	минг бош	ўсиш суръати, %да
Йирик шохли қорамоллар	580,1	104,6	11 451,7	104,1	143,7	111,1
шу жумладан сигирлар	197,8	104,5	4 100,2	101,3	39,9	106,4
Қўйлар ва эчкилар	1 631,1	111,8	17 200,1	104,3	1 557,3	81,2
Паррандалар	7 890,5	111,3	44 555,5	108,7	16 460,8	105,7

Барча тоифадаги хўжаликларга нисбатан деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 94,1 фоизни, фермер хўжаликларида эса 4,8 фоизни ташкил этди, сигирлар мос равишда – 94,5 ва 4,6 фоизни, қўйлар ва эчкилар – 84,4 ва 8,0 фоизни, паррандалар – 64,7 ва 11,5 фоизни ташкил қилди.

#### Ҳудудлар кесимида моллар ва паррандалар бош сони (минг бош)

##### Йирик шохли қорамоллар




##### шу жумладан сигирлар



##### Қўйлар ва эчкилар

##### Паррандалар



2017 йилнинг январь–июнида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазнда 1083,2 минг тонна гўшт (2016 йилнинг январь–июнига нисбатан 7,4 фоизга кўп), 4 514,2 минг тонна сут (7,3 фоиз), 3 266,3 млн. дона тухум (6,5 фоиз), 20,3 минг тонна жун (4,6 фоиз), 944,0 минг дона қоракўл тери (3,4 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	<b>Фермер хўжаликлари</b>		<b>Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари</b>		<b>Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар</b>	
	<i>Миқдори</i>	<i>ўсиш суръати, %да</i>	<i>Миқдори</i>	<i>ўсиш суръати, %да</i>	<i>Миқдори</i>	<i>ўсиш суръати, %да</i>
Гўшт, тирик вазнда, минг тонна	27,0	109,6	1 025,7	107,3	30,5	108,7
Сут, минг тонна	159,9	108,8	4 322,0	107,3	32,3	112,1
Тухум, млн. дона	298,5	108,7	2 063,0	111,0	904,8	97,0
Жун, тонна	1 551,0	107,0	1 738,3	105,4	132,4	92,9
Қоракўл, минг дона	55,5	105,3	769,0	102,6	119,5	107,8

Худудлар кесимида асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги



**Гўшт (минг тонна)****Сут (минг тонна)****Тухум (млн. дона)****Жун (тонна)**